

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5А120102 – 2.03

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “22” 01

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЛИНГВИСТИК НАЗАРИЯЛАРИ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	- Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120102	- Лингвистика (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

Содиқов А.С. - ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси  
доценти, ф.ф.н., доцент.

#### **Такризчилар:**

Хусанов А.Х. - Тошкент давлат маданият институти профессори,  
ф.ф.н.;

Қўлдошев А.М. - ЎзДЖТУ, “Инглиз тили грамматикаси ва тарихи  
кафедраси” мудири, ф.ф.н., доцент.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

“Хорижий мамлакатларнинг лингвистик назариялари” фанининг долзарблиги шундаки, унда магистрантлар жаҳон тилшунослиги тарихи, ривожланиш босқичлари, муҳим масалаларнинг ечими, шунингдек, тилшуносликда пайдо бўлаётган янги соҳа ва йўналишлар ҳақида чуқур маълумотга эга бўлишади. Хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш ва талаб ошиб бораётган айти вақтда “Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари” фани ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу дастур чет тили бўйича бўлажак мутахассисларга жаҳон тилшунослиги масалаларини атрофлича ёритишга хизмат қилади

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Хорижий мамлакатларнинг лингвистик назариялари” фанининг асосий мақсади – талабалар онгида тилшунослик фанининг тараққиёт босқичлари, турли илмий мактаблар ва йўналишларнинг шаклланиши ҳақида илмий тушунчаларни ҳосил қилиш ва уларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Фаннинг асосий вазифаси – тилшунослик тарихида шаклланган турли миллий анъаналарни қиёслаб ўрганиш ва системага солиш, тил ҳақидаги билимларни ривожланиш динамикасини ўрганишдир.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- тилшунослик фанининг вужудга келиши, унинг ривожига ҳисса қўшган нафақат тилшунос, балки бошқа соҳа олимлари, уларнинг лингвистик асарлари, хорижий мамлакатларда тилшунослик соҳасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида **тасаввур ва билимга эга бўлиши керак;**
- хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш, замонавий тилшунослик ҳақида фикр юрита олиш **малакасига эга бўлиши лозим;**

- тарихий-традицион ва замонавий методларга таянган ҳолда хорижий мамлакатларнинг лингвистик назарияларини мустақил таҳлил қилиш ва долзарб хусусиятларини англаш, мунозара қила олиш, шу мавзуларда суҳбат куришда фаол иштирок этиш **кўникмасига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Ушбу фан мутахассислик бўйича ўқитилаётган барча филологик фанларнинг умумлаштирувчи қисми ҳисобланади. Фан мазкур мутахассисликнинг бошқа турдош фанлари - “Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари”, “Матн лингвистикаси”, “Асосий чет тили” каби фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитилади. Магистрантларнинг “Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари” фанини самарали ўзлаштиришлари учун ушбу фанлардан эгаллаган билимлари муҳим ўрин тутали.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Хорижий тилларни ўрганишда хорижий мамлакатларнинг лингвистик назариялари фанининг ўрни беқиёсдир. Тилни амалий билиш билан бирга уни назарий жиҳатдан ўрганиш натижасида талаба онгида ушбу тил объектига бўлган қизиқиш янада ошади. Шу жиҳатдан ушбу фан чет тили ўқитиш тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади. Магистратурани битирган магистрантларнинг ишлаш имкониятлари ошади, шунингдек, илмий изланиш олиб боришда хорижий мамлакатларнинг лингвистик назарияларини билиш жуда аҳамиятлидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Ушбу фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни

маълумотларни пассив ҳолда қабул қилишларини эмас, балки уларнинг таълим жараёнида фаоллашуви, мустақил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилади. Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий хужум методи (brainstorming).

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **Қадимги Ҳиндистонда тилшунослик**

Панини грамматикаси. Морфология. Фонетика. Қадимги ҳинд анъанасининг аҳамияти.

#### **Қадимги Юнонистон ва Римда тилшунослик**

Номларнинг тўғрилиги ҳақидаги баҳс. Аристотель таълимоти. Стоиклар таълимоти. Александрия грамматикаси. Қадимги Рим тилшунослиги. Антик тилшуносликнинг аҳамияти.

#### **Ўрта асрлар ва уйғониш даври тилшунослиги**

Ўрта асрларда Европа тилшунослиги. Араб тилшунослигининг ривожланиши. Уйғониш даври тилшунослиги. Филологиянинг фан сифатида

пайдо бўлиши. Жонли тилларни ўрганиш. Мантикий ёки универсал грамматиканинг яратилиши. Халқаро тилларнинг яратилиши.

### **Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланиши ва қиёсий-тарихий методнинг яратилиши**

Франц Бопп, Расмус Раск, А.Х. Востоков, Якоб Гримм каби олимларнинг таълимоти ва қиёсий-тарихий методнинг яратилишига қўшган ҳиссалари.

### **Умумий тилшуносликнинг пайдо бўлиши**

В. фон Гумбольдтнинг жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси. Тил фалсафаси. Тилнинг таърифи. Тил ва жамият муносабатлари. Тил билан тафаккур. Тилнинг ички ва ташқи шакллари тўғрисидаги таълимот. Тил тараққиёти масаласи. Тил антиномиялари ҳақидаги назария. Тил гуруҳларини ўрганишда қиёсий-тарихий методнинг қўлланиши. А. Шлейхернинг натуралистик таълимоти.

### **“Ёш грамматикачилар” мактаби**

“Ёш грамматикачилар”нинг лингвистик таълимоти ва уларнинг ютуқлари. “Ёш грамматикачилар” таълимотининг камчиликлари.

### **XIX аср рус тилшунослиги**

Рус тилшунослиги ва унинг жаҳон тилшунослиги тараққиётида тутган ўрни (А. Потебня, И. Мещанинов, Л. В. Щерба, В. Виноградов, И. Бодуэн де Куртенэ, Е. Д. Поливанов, Б. А. Серебрянников, Г. В. Колшанский ва б.). Мантикий-грамматик йўналиш. Ф.И. Буслаев назариялари. Психологик йўналиш А.А. Потебнянинг қарашлари. Москва лингвистик мактаби. Қозон лингвистик мактаби.

### **Ф. де Соссюр таълимоти**

Ф. де Соссюр ҳозирги замон тилшунослигининг асосчиси эканлиги. Ф. де Соссюр назариясида тилшуносликнинг объекти ва предмети

муаммоси. Тилнинг системали ходиса эканлиги. Тил системасини ташкил этувчи белгилар. Тил ва нутқ дихотомияси. Ташқи ва ички лингвистика. Синхрония ва диахрония. Тил системасидаги муносабатлар. Ассоциатив ва синтагматик муносабат. Ф. де Соссюр назариясининг XX аср тилшунослиги ривожланишида тутган ўрни.

### **XX аср тилшунослигида структурал мактабларнинг шаклланиши**

Америка тилшунослигининг шаклланиши. (Ф. Боас, Э. Сэпир). Л. Блумфилднинг лингвистик қарашлари. Дескриптив тилшуносликнинг назарий асослари. Дистрибутив таҳлил назарияси. Дистрибуция турлари: 1. Қўшимча дистрибуция. 2. Контраст дистрибуция. 3. Эркин алмашинув дистрибуцияси. Америка тилшунослигида лингвистик методлар масаласи. Гапни бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи. (З. Херрис, Р. Уэлз, Е. Найда). Трансформацион метод (З. Херрис). Трансформация назариясининг ривожланиши (Н. Хомский). Трансформациянинг турлари. Н. Хомскийнинг грамматик назарияси.

### **Коппенгаген структурал мактабининг шаклланиши**

Тилшунослар Л. Брендаль, Х. Брендаль, Л. Ельмслев илмий қарашлари. Л. Ельмслев глоссематика мактабининг асосчиси.

### **Прага функционал лингвистик мактабининг шаклланиши (В. Матезиус, Н.С. Трубецкой, Р.О Якобсон)**

Н.С. Трубецкойнинг фонологик назарияси. Фонетика ва фонология. Товуш ва фонема тушунчалари. Фонологик оппозиция талқини ва фонологик оппозициянинг турлари. Фонология яратилишининг тилшунослик фани ривожланишида тутган ўрни. Прага мактабининг олимлари томонидан тилда меъёр масалаларининг ўрганилиши. Тилни ўрганишда функционал ёндашиш афзаллигининг асослаб берилиши. В. Матезиуснинг гапни актуал бўлакларга

ажратиш назарияси. Гапни актуал бўлакларга ажратишнинг грамматик (синтактик) бўлакларга ажратиш билан муносабати.

### **А. Мартиненинг функционал таҳлил назарияси** **Л. Тенъернинг вербоцентрик (валентлик) назарияси**

Л. Тенъернинг “Структурал синтаксис асослари” асари. Феълнинг валентлик салоҳияти. Феъл ва актантлар муносабати. Актантларнинг турлари.

### **Ҳозирги замон тилшунослиги**

XX аср тилшунослигининг етакчи йўналишлари . Генератив тилшунослик. Когнитив тилшунослик. Лингвистик фалсафа. Прагмалингвистика. Матн тилшунослиги. Психоллингвистика. Лингвомаданиятшунослик.

### **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Семинар машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар “Хорижий мамлакатлар лингвистик назариялари” фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ва машқлар, таҳлил методларни амалда қўллаш, тақдимотлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокараларини ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Антик – классик тилшунослик назариялари
- Қиёсий-тарихий тилшунослик ва тилларнинг генеалогик таснифи
- В. фон Гумбольдт. Тил – «халқ руҳининг ифодаси»
- А.Шлейхернинг лингвистик концепцияси



- Мантикий – психологик тилшунослик
- Потербнянинг лингвистик концепцияси
- “Ёш грамматикачилар” лингвистик назариялари
- Қозон лингвистик мактаби
- Москва лингвистик мактаби
- Ф.де Соссюр лингвистик концепцияси

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Магистрларнинг мустақил ишлари дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади: хорижий мамлакатларнинг тилшунослик назариясига оид адабиётларни таҳлил қилиш ҳар хил илмий мактаблар ва тилшунослик оқимларининг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш, тилшунослик фанининг тараққиёти динамикасини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб боришлари назарда тутилади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Европада ўйғониш даври тилшунослиги
2. Билингвизм кўринишлари ва масалалари
3. Инглиз тили ва дунё тараққиёти
4. Тил тараққиёти

5. Икки тиллиликнинг социолингвистик жихатлари: лисоний вазиятлар, тил сиёсати
6. Тилшуносликда замонавий йўналишлар
7. АҚШ дескриптив тилшунослиги
8. Декарт. Француз рационализи
9. Лейбниц илмий-фалсафий таълимоти
10. М. Қошғарий. Қиёсий лингвистика
11. Европада уйғониш даври тилшунослиги
12. Этнолингвистика. Сепир-Уорф
13. Пор-Рояль грамматикаси
14. В. фон Гумбольдт ва тил фалсафаси
15. Ф. де Соссюрнинг лингвистик назарияси

### **Дастурнинг информациян – услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларида, педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Семинар машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

- 1.Амирова Т.А., Ольховиков Б.А. и др. «Очерки по истории лингвистики». М., 1975.
2. Расулов Р. Умумий тилшунослик. -Т., 2005.
3. Баскаков Н.А., Содиков А., Абдуазизов А. Умумий тилшунослик. -Т., 1981.
- 4.Усмонов С. Умумий тилшунослик. -Т., 1972.
5. Лоя Я.В. История лингвистических учений. - М., 1968.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. В. фон Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. М., 1984 г.
2. Ф. Соссюр. Труды по языкознанию. М., 1977 г.
- 3.Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и изречениях. -М., 1960.
- 4.Виноградов В. История русских лингвистических учений. -М., 1978.
5. Джон Лайоиз. Введение в теоретическую лингвистику. -М., 1978.
- 6.История лингвистических учений. Средневековый Восток – М.,1981
- 7.Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. —Т., 2002.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.nutq.intal.ur](http://www.nutq.intal.ur)
4. [www.susov.ru](http://www.susov.ru)
5. [www.google.uz](http://www.google.uz)

